

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ ТАРМОҒИ СИФАТИДА: РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ СУРЪАТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Кутбитдинова Мохигул Иноятовна
ТДИУ Маркетинг кафедраси и.ф.н., доценти
E-mail: moxigulinoyatovna97@gmail.com
ORCID: [0009-0006-8422-6868](https://orcid.org/0009-0006-8422-6868)

BUILDING MATERIALS INDUSTRY AS A CORNERSTONE OF THE NATIONAL ECONOMY: ANALYSIS OF DEVELOPMENT STAGES AND ECONOMIC GROWTH RATES.

Mohigul Inoyatovna Kutbitdinova
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor, Department of Marketing,
Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: moxigulinoyatovna97@gmail.com
ORCID: [0009-0006-8422-6868](https://orcid.org/0009-0006-8422-6868)

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш материаллари саноатининг миллий иқтисодиёт тизимидаги макроиқтисодий ўрни, тармоқнинг ривожланиш босқичлари ва инвестицион жозибадорлиги тадқиқ этилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасида 2021-2026 йиллар давомида асосий фондлар ҳажми ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси эконометрик таҳлил қилиниб, соҳанинг экспорт географияси ҳамда энергия самарадорлиги муаммолари ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида тармоқни истиқболли бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қурилиш материаллари, миллий иқтисодиёт, асосий фондлар, ишлаб чиқариш динамикаси, экспорт потенциали, энергия сизими, ташкилий бошқарув, норматив-ҳуқуқий база, Индустрия 4.0.

Abstract: This article examines the macroeconomic role of the building materials industry within the national economic system, its development stages, and

industrial investment attractiveness. The paper provides an econometric analysis of the dynamics of fixed assets volume and construction products manufacturing in the Republic of Uzbekistan during 2021-2026, highlighting the issues of export geography and energy efficiency in the sector. Based on the conducted research, organizational and economic vectors for the prospective management of the industry have been developed.

Keywords: building materials, national economy, fixed assets, production dynamics, export potential, energy intensity, organizational management, regulatory and legal framework, Industry 4.0.

Кириш. Замонавий иқтисодиётда қурилиш материаллари саноати ҳар қандай давлатнинг индустриал салоҳиятини белгиловчи таянч тармоқлардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳа нафақат қурилиш индустриясининг хомашё базасини таъминлайди, балки иқтисодиётнинг реал секторидаги мураккаб кооперацион алоқалар тизимида

integrator vazifasini bajaradi¹. Жаҳон Банкининг тадқиқотларига кўра, ҳар бир миллиард долларлик инвестиция қурилиш секторига жалб қилинганда, қурилиш материаллари саноати орқали иқтисодиётда 2,8 дан 3,4 маротабагача мултипликатор самарадорлиги юзага келади. Бу ҳодиса мазкур тармоқнинг макроиқтисодий аҳамиятини яққол намоиш этади².

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, дунё қурилиш материаллари бозорининг ҳажми 2025 йилда 1,4 триллион АҚШ долларидан ошиб, ҳар йили ўртача 4-5 фоиз ўсиш суръати билан ривожланмоқда³. Жаҳон бозорида Хитой Халқ Республикаси – дунё цемент ишлаб чиқаришининг 56 фоизини, Ҳиндистон 8 фоизини, АҚШ эса 2 фоизини таъминламоқда. Бу рақамлар глобал иқтисодиётда ривожланаётган давлатларнинг ортиб бораётган ролини кўрсатади ва Ўзбекистон учун ҳам янги стратегик имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифлагичи (О'зДСт 2914:2014) бўйича мазкур соҳа "Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш" (С-23) категориясига киритилган. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан ушбу тармоқ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга: маҳсулотларнинг юқори даражада оғир ва йирик ҳажмлилиги сабабли транспорт харажатларининг таннархдаги юқори улуши (ўртача 18-25%); ишлаб

чиқаришнинг юқори энергия сифими (камида 8-12%); сифат назоратининг қатъий стандартлаштирилганлиги (ISO, ГОСТ) ҳамда эко-инновацияларга ва "яшил" технологияларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидир.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш ва тартибга солишнинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони тармоқни истикболли ривожлантириш учун асосий стратегик дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Фармонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш ва маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш устувор вазифа этиб белгиланган⁴.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги "Қурилиш материаллари саноатини тубдан ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4198-сонли Қарори ҳамда 2021 йил 9 июндаги "Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5142-сонли Қарорлари соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, хомашё базасини кенгайтириш ва замонавий инновацион кластерларни ташкил этишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Клейнер Г.Б. Системная модернизация экономики, территорий, предприятий. - Москва: Издательский дом «Наука», 2021. - 422 с.

² Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг расмий йиллик ҳисоботлари маълумотлари (2021–2026 йй.).

³ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари»

уюшмасининг расмий йиллик ҳисоботлари маълумотлари (2021–2026 йй.).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.

Адабиётлар шархи.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ва саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда инновациялар ҳамда стратегик менежмент усуллариининг назарий-методологик асослари жаҳон ва ватанимиз иқтисодчи олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган. Корхоналар фаолиятига янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришишнинг фундаментал асослари дастлаб иқтисодий ривожланишнинг инновацион назарияси асосчиси Ж. Шумпетер томонидан асослаб берилган. Ж. Шумпетер ўзининг илмий қарашларида инновацияларни ишлаб чиқариш омилларининг "янги комбинацияси" сифатида талқин қилади ва у иқтисодий тизимларни ички динамик ривожлантирувчи асосий куч эканлигини таъкидлайди⁵.

Саноат тармоқларида рақобатбардошликни стратегик бошқариш концепцияси М. Портер тадқиқотларида янги босқичга кўтарилди. М. Портер фикрига кўра, корхонанинг бозордаги устуворлиги харажатларни минималлаштириш (таннархни пасайтириш) ёки маҳсулотни диверсификация қилиш орқали таъминланади. Иқтисодий фанда ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этишда академик В.В. Леонтьев томонидан ишлаб чиқилган "чиқим-маҳсулот" (input-output) модели муҳим ўрин тутати. Ушбу модел асосида ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, соҳа маҳсулотларининг 65-70 фоизи

бевосита қурилиш соҳасига, 15-18 фоизи инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилади.

Ушбу назарий ёндашувларнинг республикамиз саноат тармоқлари хусусиятларига мос ҳолда ривожланиши маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Хусусан, А.В. Вахабов ўз тадқиқотларида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш методологиясини замонавий "яшил иқтисодиёт" ва энергия самарадорлиги тамойиллари асосида трансформация қилиш зарурлигини илмий асослаб берган.

С.С. Гулямов ишлаб чиқаришни бошқаришда "Industry 4.0" элементларини (автоматлаштирилган назорат тизимлари, рақамли мониторинг) қўллаш орқали хомашё сарфини реал вақт режимида назорат қилиш имкониятларини кўрсатиб ўтган⁶.

К.К. Турсунов саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш стратегиясини айнан эко-инновациялар ва ички захираларни сафарбар этиш орқали такомиллаштириш моделларини ишлаб чиққан⁷. Г.Б. Клейнер эса корхоналарнинг тизимли модернизацияси масалаларига алоҳида эътибор қаратган⁸.

Шунга қарамай, қурилиш материаллари саноатининг технологик хусусиятларини комплекс инobatга олган ҳолда, тармоқнинг 2025-2026 йиллардаги янги иқтисодий ривожланиш тенденцияларини прогностлаштириш масалалари ҳанузгача яхлит методология кўринишига келтирилмаган.

⁵ Шумпетер Ж. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / Пер. с нем. - Москва: Эксмо, 2020. - 864 с.

⁶ Gulyamov S.S. Sanoat tarmoqlarida raqamli texnologiyalar va innovatsion menejment integratsiyasi. Monografiya. - Toshkent: "Fan" nashriyoti, 2023. - 214 b.

⁷ Tursunov K.K. Strategy of sustainable development of industrial enterprises based on eco-innovations // Journal of Management and Economic Studies. - 2022. - Vol. 4(2). - P. 115-128.

⁸ Клейнер Г.Б. Системная модернизация экономики, территорий, предприятий. - Москва: Издательский дом «Наука», 2021. - 422 с.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, иқтисодий-статистик гуруҳлаш, динамик қаторлар таҳлили, киёсий баҳолаш, SWOT ва PESTEL таҳлил усуллари ҳамда муаллифлик прогнозлаштириш методларидан фойдаланилди. Эмпирик маълумотлар базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ҳамда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021-2026 йиллардаги

расмий ҳисоботлари ва статистик тўпламлари асос қилиб олинди.

Таҳлил ва натижалар.

Олиб борилган макроиқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган саноат соҳасининг ЯИИМдаги улуши 32 фоиздан ошди ва саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши 48 фоизни ташкил этди. Ушбу жараёнда тармоқларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаиб бориши муҳим аҳамиятга эга (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2021-2025 йиллар якунига кўра мавжуд асосий фондлар (бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бириги	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Йил якунига жами асосий воситалар	млрд. сўм	311 680,6	400 652,7	499 423,3	611 229,4	744 100,0
<i>Саноат тармоғи</i>	млрд. сўм	174 711,6	188 667,3	295 557,2	372 018,6	452 600,0
<i>жами асосга нисбатан фоизда</i>	%	56,1	47,1	59,2	60,9	60,8
Қурилиш тармоғи	млрд. сўм	13 099,8	17 640,7	23 117,4	32 939,6	43 100,0
<i>жами асосга нисбатан фоизда</i>	%	4,2	4,4	4,6	5,4	5,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари ва муаллифнинг 2026 йил учун ҳисоб-китоблари.

1.1-жадвал маълумотлари саноат ва қурилиш тармоқларининг моддий-техник базаси шиддат билан мустаҳкамланаётганини кўрсатади. Саноат соҳасидаги асосий фондлар ҳажми 2021 йилдаги 174 711,6 млрд сўмдан 2025

йилда 452 600,0 млрд сўмга етди. Ушбу инфратузилмавий капитал бевосита қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига хизмат қилди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш динамикаси ва истиқболли кўрсаткичлари.

Қурилиш материаллари турлари	Ўлчов бирлиги	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й. (прогноз)
Дераза ойнаси	минг м²	11 870,6	18 566,2	20 450,0	22 980,0	25 600,0	28 400,0
Цемент	минг тн	11 926,1	13 043,3	14 280,0	15 760,0	17 200,0	18 900,0
Қурилиш ғишти	млн. дона	1 039,0	1 114,8	1 165,0	1 245,0	1 330,0	1 450,0
Қурилиш учун қоришмалар	минг тн	263,4	371,4	425,0	487,0	555,0	620,0
Лок-бўёқ маҳсулотлари	минг тн	79,9	80,3	84,5	88,8	93,5	99,2
Чақиқ тош	минг тн	10 731,6	13 906,9	14 980,0	16 140,0	17 400,0	18 800,0

Манба: Миллий статистика қўмитаси ҳисоботлари ва муаллифнинг прогноз ҳисоб-китоблари.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дераза ойнаси ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилга нисбатан 2026 йилда икки баравардан кўпроққа ортиб, 28 400,0 минг м² ни ташкил этиши кутилмоқда. Цемент ишлаб чиқариш эса 18 900,0 минг тоннага

етиши прогноз қилинмоқда. Тармоқ фаолиятининг комплекс молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари "Ўзсаноатқурилиш-материаллари" уюшмаси тизими мисолида яққол акс этади (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (2025-2026 йй.)

Кўрсаткич номи	2025 йил (факт)	2026 йил (кутилаётган натижа)	Ўсиш суръати (%)
Ишлаб чиқариш умумий ҳажми (трлн сўм)	52,6	58,4	111,0%
Экспорт ҳажми (млрд доллар)	1,2	1,5	125,0%
Жами ўзлаштирилган инвестициялар (млрд долл.)	2,4	2,7	112,5%
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (млрд долл.)	1,6	1,9	118,7%
Маҳаллийлаштириш дастури ҳажми (трлн сўм)	4,4	5,1	115,9%

Манба: "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан бойитилган.

2025-2026 йилларда тармоқ бўйича Маҳаллийлаштириш дастури изчил кенгайтирилмоқда. Экспорт географияси таҳлил қилинганда, маҳсулотларнинг асосий қисми СНГ давлатлари (Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон) ҳиссасига тўғри келаётган бўлса-да, янги Европа ва Осиё бозорлари ҳам фаол ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда республикада 37 та цемент заводи мавжуд

бўлиб, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда⁹.

Ўзбекистонда 1 тонна цемент учун 110-130 kg шартли ёқилғи сарфланиб, бу кўрсаткич Европа Иттифоқи стандартларидан (85-105 kg) юқоридир. Энергия сиғимини пасайтириш ва ташкилий бошқарувни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги иқтисодий-математик модел таклиф этилади:

$$M_{eff} = \frac{I_{tech} \times V_{exp}}{C_{energy} \times E_{env}} \longrightarrow \max$$

Бу ерда:

M_{eff} – тармоқ корхоналарининг ташкилий бошқарув самарадорлиги;

I_{tech} – технологик модернизация даражаси ва инновацион инвестициялар;

V_{exp} – маҳсулот экспорт ҳажми ва диверсификация даражаси;

C_{energy} – ишлаб чиқаришдаги энергия ва ёқилғи харажатлари (энергия сиғими);

E_{env} – экологик зарарлилик ва CO₂ чиқиндилари даражаси (1 тонна цемент учун 0,8-0,9 тн CO₂).

Ушбу модел доирасида Индустрия 4.0 технологияларини қўллаш орқали C_{energy} харажатларини 20-25% га қисқартириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Қурилиш материаллари саноати корхоналари фаолиятини стратегик ва ташкилий бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган чуқур илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги кенг қамровли илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Макроиқтисодий

мультипликативлик ва стратегик ўрин: Қурилиш материаллари саноати миллий иқтисодиёт тизимида юқори тармоқлараро мультипликатор самарадорлигига (2,8 дан 3,4 бараваргача) эга бўлган драйвер соҳа ҳисобланади. Унинг барқарор ривожланиши бевосита асосий фондлар капитализацияси даражасига боғлиқ бўлиб, 2025-2026 йилларда мазкур кўрсаткичнинг ижобий ўсиш тенденцияси саноат капиталининг ЯИМдаги улуши 32% дан ошишини таъминлади.

2. Энергия сиғими ва технологик

трансформация диспропорцияси: Олиб борилган эконометрик таҳлиллар тармоқ корхоналарида, хусусан цемент саноатида маҳсулот бирлигига тўғри келувчи энергия сарфи жаҳон андозаларидан 15-20% га юқори эканлигини кўрсатди. Бу эса корхоналарнинг ташкилий бошқарув тизимини анъанавий методлардан "Индустрия 4.0" ва рақамли мониторинг (Big Data, IoT) технологиялари асосига ўтказишни тақозо этади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари»

уюшмасининг расмий йиллик ҳисоботлари маълумотлари (2021-2026 йй.).

3. Экспорт диверсификацияси ва халқаро бозорларга интеграция: 2026 йил якуни бўйича тармоқнинг экспорт салоҳиятини 1,5 млрд долларга етказиш кутилмоқда. Бироқ экспорт географиясининг маълум бир минтақаларга (СНГ давлатларига) боғланиб қолганлиги иқтисодий хавфларни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли маҳсулотларнинг халқаро стандартларга (ISO, ESG мезонлари) мувофиқлигини таъминлаш ва Европа Иттифоқининг CBAM механизми талабларига мослашиш стратегияларини ишлаб чиқиш зарур.

Илмий ва амалий таклифлар:

– тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш мақсадида анъанавий ёки тизимларидан воз кечиб, муаллиф томонидан таклиф этилган ташкилий бошқарув модели асосида ишлаб чиқаришни тўлиқ инновацион “қурук усул”га ва муқобил энергия манбаларига ўтказиш лозим.

– ҳудудларнинг хомашё базаси ва гео-локациясини инобатга олган ҳолда, саноати кам ривожланган ҳудудларда кичик ва ўрта инновацион корхоналар кластерини ташкил этиш орқали транспорт логистикаси харажатларини (таннархдаги улуши 18-25%) минималлаштириш лозим.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг расмий йиллик ҳисоботлари маълумотлари (2021–2026 йй.).
4. Шумпетер Ж. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / Пер. с нем. - Москва: Эксмо, 2007. - 864 с.
5. Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран / Пер. с англ. - Москва: Международные отношения, 1993. - 896 с.
6. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Yashil iqtisodiyot”: darslik. - Toshkent: “Universitet” nashriyoti, 2020. - 280 b.
7. Gulyamov S.S. Sanoat tarmoqlarida raqamli texnologiyalar va innovatsion menejment integratsiyasi. Monografiya. - Toshkent: “Fan” nashriyoti, 2023. - 214 b.
8. Tursunov K.K. Strategy of sustainable development of industrial enterprises based on eco-innovations // Journal of Management and Economic Studies. - 2022. - Vol. 4(2). - P. 115-128.



9. Клейнер Г.Б. Системная модернизация экономики, территорий, предприятий. - Москва: Издательский дом «Наука», 2021. - 422 с.
10. Леонтьев В.В. Межотраслевой экономический анализ / Пер. с англ. – Москва: Экономика, 1997. – 412 с.
11. D.Yu.Matrizayeva, Kutbitdinova M.I. Интеграция корпоративной культуры и факторов экономической эффективности промышленности: сравнительный анализ регионов узбекистана с акцентом на хорезмскую область “Raqaqli iqtisodiyot” ilmiy-elektron jurnali,13-son, 2025 yil 1890-1897 b.
12. D.Yu.Matrizayeva, Kutbitdinova M.I. Комплаенс-контроль: расширение современных методов корпоративного управления European journal of interdisciplinary research and development Volume-14 April – 2023 page139-146
13. D.Yu.Matrizayeva, Kutbitdinova M.I. Expanding modern methods of corporate management in the compliance control system. Talim fidoyilari ilmiy elektron jurnal 8-son, 1-jild avgust 2022 1-qism 162-168 b.
14. D.Yu.Matrizayeva, A.Metyakubov, U.Boltayev. Основные Направления Привлечения Инвестиций На Промышленные Предприятия. Central asian journal of theoretical and applied sciences Volume: 03 Issue: 10 | Oct 2022 158-167 b.